

# Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг касбий компетенциясини ривожлантиришда профайлингнинг ўзига хос ўрни

Давронбек Абдукаримович Ўрмонов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

**Аннотация:** Мақолада Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг касбий компетенциясига қўйиладиган талаблар ҳамда унда профайлинг соҳасининг тутган ўрни, профайлинг методи орқали кундалик хизматда ва оммавий тадбирларда жамоат хавфсизликни таъминлаш, профайлинг билан боғлиқ ўкув ва амалий билимларни таълим соҳасида ривожлантириш каби тушунчалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** Миллий гвардия, ҳарбий хизматчи, компетенция, профайлинг, жамоат хавфсизлиги, таълим жараёни ва амалиёт

## The unique role of profiling in the development of professional competence of National Guard military personnel

Davronbek Abdukarimovich Ormonov  
University of Public Security of Republic of Uzbekistan

**Abstract:** The article describes the requirements for the professional competence of the National Guard military servicemen and the role of profiling in it, the provision of public safety in everyday service and public events through the profiling method, and the development of training and practical knowledge related to profiling in the field of education.

**Keywords:** National Guard, military personnel, competency, profiling, public safety, educational process and practice

Бугунги кунда биз “Хавфсиз шаҳар - хавфсиз мамлакат” концепцияси асосида юртимиизда жамоат тартибини таъминлашига қаратилган катта ишларни амалга ошиирмоқдамиз. Шу муносабат билан мана шу янги тузилма, яъни, Миллий гвардия ташкил этилди[1]. (Ш.М.Мирзиёев)

### КИРИШ

Юртимииз ривожланиши замирида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини ва келажагини таъминлаш ҳамда жамиятимиздаги адолатли қонунчиликка бўлган ишончнинг

пайдо бўлишида оқилона давлат бошқаруви механизмлари ётади. Олий бош кўмондонимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан Жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши замирида жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилишиб, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизими шакллантирилиши ҳамда давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлида Қуролли Кучлар тизимида кирувчи вазирликлар ва идораларнинг вазифалари, ташкилий ва таркибий тузилиши янгиланиб, соҳадаги ислоҳотлар доирасида, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “бу маҳсус ҳарбий бўлинма фаолияти жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, аҳолини турли террорчилик хатарларидан, жиноий ва бошқа ноқонуний хатти-харакатлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Қисқа вақт ичida Миллий гвардия мамлакат хавфсизлигини таъминлаш тизимидағи муҳим бўғинга айланди ва Қуролли Кучлар таркибий қисмлари билан яқин алоқа ўрнатди”<sup>1</sup>.

### МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бир мунча вақт олдин ташкил этилган Миллий гвардия қўшинларининг фаолияти соҳасида давлат сиёсати ва ҳуқукий норматив хужжатларини тартибга солишда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари касбий фаолиятида ўз компетенциявий тизимини ишлаб чиқишни таъқазо этади.

Компетенция - ходимнинг касбий фаолиятда билимлар, кўнилмалар, маҳорат ва тажрибани қўллаш қобилияти ва расмийлаштирилган талабларга ўтиш талабаларнинг умумий маданий ва касбий компетенсияларни эгаллашини кўзда тутади<sup>2</sup>. Ҳарбийлик касби вакили авваламбор шахс сиймосига, биринчи навбатда шахснинг жисмоний ҳолати, индивидуал психологик хусусиятлари, ҳиссий иродавий жихатлари, психик жараёнлари ҳамда унинг фаолият ва муносабат жараёнларига бориб тақалади. Л.П.Саксонованинг фикрига кўра профессионал компетентлик инсоннинг билим даражаси, тажрибаси, қобилиятлари, унинг узлуксиз ва давомий ўз-ўзини ривожлантириб бориши ва шунга йўналтирилган мотивация билан боғлиқ ва тўртта таркибий қисмга эга:

- Маҳсус компетенция, ижодкорлик фаолияти билан боғлиқ;
- Шахсий компетенция, шахснинг ўз меҳнат фаолиятини тўғри режалаштириш ва ностандарт ечимларни топиши;
- Индивидуал компетенция, ҳаракатнинг мотивациясини белгиласа;

<sup>1</sup><https://president.uz/uz/lists/view/1419> (мурожаат санаси 11.03.2023й)

<sup>2</sup>Вазирлар Махкамасининг2020 йил 15 майдаги“Касбий малакалар, билим ва кўнилмаларни ривожлантириш миллий тизими тўғрисида”ги 287-сон қарори.

[https://nrm.uz/contentf?doc=623742\\_kasbiy\\_malakalar\\_bilim\\_va\\_ko%..](https://nrm.uz/contentf?doc=623742_kasbiy_malakalar_bilim_va_ko%..) (мурожаат санаси 11.03.2023й)

- Профессионал экстремаль компетенция, жадал, ўзгарувчан шароитларда фаолият олиб боришини белгилаб беради<sup>3</sup>.

“Компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари “инсоннинг билимларига асосланган, ижтимоий-касбий ҳаёти фаолиятида белгиланган шахсий ва интеллуктуал тажрибаси” сифатида талқин этилмоқда<sup>4</sup>. Олий таълим атамаларининг лугатида эса “компетенция” сўзи “ваколатга эга, масалалар доираси, бунда муайян амалдор шахс ўзига ваколатлар доирасида билимлар, тажрибаларга эга бўлади” деб изоҳланади<sup>5</sup>.

Маълумки, давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ замонавий қасб-хунар таълим мининг асосий мақсади учинчи авлод стандартлари талаблари асосида талабаларни компетенцияларини шакллантиришидир. "Европада таълим тузилмаларини созлаш" (Tuning Educational structures in Europe) лойиҳасига мувофиқ, "... компетенция тушунчаси билиш ва англаш (илмийлик асосида соҳанинг назарий билимларини билиш ва англашни), эгаллаган билимларини аниқ ва амалий қўллаш (бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқлигини идрок этиш ва фарқлаш), маълум бир шахснинг ушбу ваколатларни амалга оширишга қодирлик даражаси ёки даражасизлигини тавсифлайди<sup>6</sup>. Демак ҳарбий таълим муассасаларида ўкув дастурларини ўзлаштириш жараёни кўп жихатдан ҳарбий хизматчида қасбий компетенцияларни ривожлантиришнинг асосий нигизи ҳамда бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Ҳарбий таълим бир қатор маҳсус тузилмавий соҳалар сингари, кадрларни тайёрлаб бериш давлатга қимматга тушадиган соҳалар сирасига киради. Шу билан бирга, барча тоифадаги курсант ва тингловчилар учун стандартлар ишлаб чиқилган. Мисол тариқасида "хуқукий таълим" ўқитиш соҳасидаги давлат таълим стандартини кўриб чиқишимиз мумкин. Мутахассисларни тайёрлаш учун асос тушунча миллий ва давлат ҳавфсизлиги, ДХХ, Миллий гвардия, ИИВ, Куролли кучлар олий таълим муассасалари ушбу стандарт асосида мутахассислар тайёрлайди ҳамда қўйидаги фаолият турларини назарда тутади: қонун ижодкорлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилиш; давлат ва жамоат ҳавфсизлиги. Бизнинг фикримизча, ушбу таълим дастурини ишлаб чиқиш жараёнида шаклланадиган ҳарбий-касбий ваколатларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ташкилий-бошқарув фаолиятидаги қўйидаги ваколатларни киритиш мумкин:

<sup>3</sup>. Саксонова, Л.П. Культурообразность технического образования : монография / Л.П. Саксонова / Самар. гос. техн. ун-т. – Самара : [б.и.], 2006. – 491 б.

<sup>4</sup>Тўраев Б.З., Муқимова Г.Х. Таълимда компетентли ёндашув: ўқитувчининг қасбий компетентлигини шакллантириш. // “Ўзбекистон олий таълим тизимида кадрлар ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш” мавзусидаги Республика семинари материаллари. – Т.: “Истеъод” жамгармаси, ТДПУ. 2014. - 52 б.

<sup>5</sup>Олийтаълим (лугат-маълумотнома). – Т.: Молия, 2003. - 144 б.

<sup>6</sup>Байденко В. И. Выявление состава компетенций выпускников вузов как необходимый этап проектирования ГОС ВПО нового поколения. М., 2006. С. 116.

- қонун устуворлиги;
- шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш қобилияти;
- шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва олдини олиш қобилияти;
- ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни олдини олиш бўйича пропорционал чора-тадбирларни амалга ошириш;

Уларни амалга оширишга зид келувчи сабаблар аниқлаш, социал жамият билан биргалиқда қарши курашишга маънавий маърифий томонлама стратгик ёндашиб бартараф қилиш.

Ҳарбий хизматчиларнинг касбий компетенцияси замирида қуйидаги талабларни ривожланишини таъқазо этади:

- Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳукуқий хужжатларни билишни;
- маҳсус техника, қурол-яроғ, маҳсус воситалардан фойдаланиш бўйича билим ва малакасининг шаклланганлигини;
- давлат сирлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги талабларига ҳамда маҳфийлик режимига риоя этишини;
- фавқулодда вазиятларда ва уруш даврида касбий вазифаларни бажариш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича билимларга эга бўлишини;
- жанг тактикаси ҳамда топографик билим ва кўникмаларга эга бўлишини;
- шахсий таркиб билан ишлашда назарий, амалий, тарбиявий (аҳлоқий-руҳий) ва ҳукуқий билимларни оқилона етказа олиш ва ривожлантириб бориш дидактикасини;
- касбий фаолиятда ички ва ташқи кузатувчанлик профайлинг бўйича билим, кўникма ва малакага эга бўлишини.

Юқорида ҳарбий хизматчининг касбий компетентлиги бўйича қўйилган талабларнинг охирги бандида кўрсатилган талаб долзарблиги бўйича, бошқаларидан кам эмас. Ривожлантириш керак бўлган ушбу соҳа яъни профайлинг орқали ривожланган мамлакатлар ўз хавфсизлигини таъминламоқдалар ва рақамлаштириш даражасигача бориб юксалтироқдалар.

Замонавий шароитда жамоат тартибини сақлашга йўналтирилган ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун функционал профессионализмнинг энг муҳим шартларидан бири пухта ўйланган атроф-муҳитни, одамларнинг хатти-ҳаракатларини қузатиш ва таҳлил қилиш, шубҳали белгиларни излаш ва сабаб-оқибат муносабатларини ўрнатиш. Бу Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг касбий фаолиятини ташкил этишга тубдан бошқача концептуал ёндашувни жорий этиш билан боғлиқ. Биз жамоат тартибини сақлашга ва жиноятчиликнинг олдини олишга ҳақида кўп гапирамиз. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай шароитда Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг

касбий фаолиятини ташкил этиш муаммосида асосий эътибор омма ва шахс психологияси усулларини амалий жиҳатдан ўзлаштиришга қаратилади. Бунда асосий эътибор шахслараро ўзаро таъсир жараёнлари, шахснинг ташқи ва ички мотив ва сигналларини ўқиши идрок қилиш муҳим ҳисобланади. Инсон идрокининг имкониятлари тўғрисида замонавий билимларга эга бўлиш Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларидан чуқур билим ва кўникмани талаб этади.

Профайлинг - бу амалий психология методлари ёрдамида хуқуқбузарлик ва тажовузларни содир этмоқчи бўлган хавфли шахсларни, вазиятларни олдиндан аниқлаш технологияси<sup>7</sup>. Бу технология асосида, хавфсизлик бўйича талаб қилинадиган сифат натижасига эришишга қаратилган муайян ташкилий чора-тадбирлар, жараёнлар ва методикалар мажмуини назарда тутилади. Профайлинг технологиясига қуйидагилар киради:

- жамоат жойларида самарали хавфсизликни таъминлаш;
- потенциал хавфли шахслар аниқлаш;
- хавфли вазиятларни олдиндан кўра билиш;
- ҳар хил турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар.

Шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини содир этиш эҳтимолий мотиви, ноқонуний хатти-ҳаракатни содир этишга тайёргарлик кўриш учун хос бўлган белгиларнинг "тўғридан-тўғри ихтиёрий" акс этиши кўра олишлик билан белгиланади.<sup>8</sup> Демак, потенциал дея тан олинган хавфли шахслар ва вазиятлар амалий психологиянинг етакчи усулларидан бири - кузатиш методига асосланади. Бундай шароитда анаънавий дарс тамойили хавфли шахс ва вазият профилини яратиш фанидан тингловчиларни хабардор қилиш орқали эмас, балки шахслар ва вазиятларнинг потенциал хавфини кўрсатадиган белгиларнинг амалиёти билан ҳам олиб бориш лозим. Амалиёт жараёнини таъминлайдиган фаолият шаклларини шакллантириш бўйича аниқ амалий ишлар орқали амалга оширилади ва шу билан функционал ваколатли профайлинг мутахассисни шакллантиради.

Профайлинг соҳасидаги фаолиятни самарали ташкил этишда функционал билимларнинг салмоқли улуши ҳамда мантиқ ва диққатнинг ривожланаганлик даражаси алоҳида ўрин тутади. Педагогикада талабаларнинг мустақил ижодий фикрлаш ва касбий вазифаларни профессионал тарзда ҳал қилиш қобилиягини ривожлантиришга қаратилган усуллар сифатида рус психологи Д.Н. Узнадзе "Ўқитишда асосий ўринни бизга маълум бир маҳорат ёки унинг ўзига хос мазмуни ҳақидаги билим сифатида тақдим этилган маҳсулот эмас, балки

<sup>7</sup>Профайлинг. Технологии предотвращения противоправных действий / под ред. Ю. М. Волынского-Басманова, Н. Д. Эриашвили. М., 2012. 56.

<sup>8</sup><https://cyberleninka.ru/article/n/metody-aktivnogo-obucheniya-v-prepodavanii-distsipliny-osnovy-profaylinga/>

тарбияланувчининг мустақил қийматга эга бўлган фикри, ўзини маълум бир йўналиш бўйича ривожлантириши, ўрганишнинг ўзаги, аниқ маҳорат ёки билим олиш учун унинг ўқув жараёнида ривожланиш учун жалб этган кучидир.<sup>9</sup> дея таъриф берган.

Профайлинг соҳасида офицер кадрларга қўйиладиган талабларни белгилайдиган ички меъёрий хужжатлар, ушбу соҳадаги стандартлар асосида мутахассисларни тайёрлаш компетенциясига асосланган ёндашувни кўрсатади деган хulosага келиш мумкин. Л.В. Доломанюк “олий ҳарбий таълимда белгиланган маълум миқдордаги билим, кўнкима ва малакаларга эга бўлган офицер тайёрлаш парадигмаси сақланиб қолган<sup>10</sup> дея таъриф келтиради. Бундай шароитда олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида ҳарбий касбий компетенцияларни шакллантиришни ташкил этиш бўйича асосий ишларни таълим муассасаларининг ўзлари амалга оширадилар. Уларнинг вазифаси таълим стандартини замонавийлаштириш ҳамда ҳарбий касбий компетенцияларни шакллантириш. Ҳарбий касбий компетенцияни шакллантиришда йўналганлик структурасини тўғри қуриш, касбий малакани професионал даражага етказищдан иборатдир. Идоравий меъёрий хужжатлар билимга асосланган ёндашувга амал қиласи. Мисол учун офицер жамоат тартибини сақлашга ўз қўл остидаги шахсий таркиби билан биргаликда жалб қилинади ва шахсий таркибини жамоат тартибини сақлаш учун ҳар бир йўналиш (позиция) бўйича ўзи тақсимлайди. Бунда офицерга икки томонлама кузатувчанлик, профайлинг талаб этилади. Биринчиси шахсий таркиб фаолияти устидан бўлса, иккинчиси омма ёки тадбир қатнашчиларининг устидан кузатув олиб боришдир. Демак профайлинг соҳасида ҳарбий хизматчиларни касбий компетенциясини ривожлантиришда назарий ва амалий билимлар муҳим аҳамият касб этади. Амалиётга юборилган курсант ва тингловчиларга амалий психологиянинг профайлинг соҳасига йўналтирилган вазифаларни кўпроқ берилиб визуал кузатувчанлик яхши ривожлантирилса жамоат тартибини сақлашда салмоқли ютуқларга эришган бўламиз.

## ХУЛОСА

Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг касбий компетенцияси - тизимнинг ва йўналганлик шаклиниң ҳаракат мотивациясини белгилайдиган, жамоат тартибини сақлашда юқори натижага эришиш, жалб қилинган тадбирларда муваффақиятли хавфсизлик даражасини таъминлаш ҳарбий хизматчи шахсга юклайдиган професионализм, экстремал, вазиятларга тайёргарлик, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш қобилияти, жамоат

<sup>9</sup> Узнадзе Д. Н. Психологические исследования. М., 1966. С. 241б.

<sup>10</sup> Доломанюк, Л.В. Формирование военно-профессиональной компетенции будущих офицеров :дис. ... канд. пед. наук / Доломанюк Леонид Владимирович. – Казань, 2011. – 224 с

тартибини, фуқаролар, жамият, давлат хавфсизлигини таъминлаш, давлат хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва олдини олиш билан белгиланаса, бу ушбу касб вакилларидан юқори компетентлик ва компетенцияни ҳамда профайлинг билан боғлиқ билимларни ривожлантириб боришни таъқазо этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Саксонова, Л.П. Культурообразность технического образования : монография / Л.П. Саксонова / Самар. гос. техн. ун-т. – Самара : [б.и.], 2006. – 491 б.
2. Тўраев Б.З., Муқимова Г.Х. Таълимда компетентли ёндашув: ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш. // “Ўзбекистон олий таълим тизимида кадрлар ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш” мавзусидаги Республика семинари материаллари. – Т.: “Истебод” жамғармаси, ТДПУ. 2014. - 52 б.
3. Олий таълим (лугат-маълумотнома). – Т.: Молия, 2003. - 144 б.
4. Байденко В. И. Выявление состава компетенций выпускников вузов как необходимый этап проектирования ГОС ВПО нового поколения. М., 2006. С. 116.
5. Профайлинг. Технологии предотвращения противоправных действий / под ред. Ю. М. Волынского-Басманова, Н. Д. Эриашвили. М., 2012. 56.
6. Узнадзе Д. Н. Психологические исследования. М., 1966. С. 241б.
7. Доломанюк, Л.В. Формирование военно-профессиональной компетенции будущих офицеров :дис. ... канд. пед. наук / Доломанюк Леонид Владимирович. – Казань, 2011. – 224 с
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/metody-aktivnogo-obucheniya-v-prepodavanii-distsipliny-osnovy-profaylinga/>
9. <https://president.uz/uz/lists/view/1419> (мурожаат санаси 11.03.2023й)
10. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги “Касбий малакалар, билим ва қўнималарни ривожлантириш миллий тизими тўғрисида”ги 287-сон қарори. <https://nrm.uz/contentf?doc=623742> kasbiy malakalar bilim va ko%.. (мурожаат санаси 11.03.2023й)